

## Қўриқлаш хизмати кўрсатиш бўйича

### ШАРТНОМА

“20” *январ* 2022 йил

№ 227-М -сон

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Тошкент шаҳар Қўриқлаш бошқармаси номидан Низом асосида фаолият юритувчи Тошкент шаҳар Қўриқлаш бошқармаси бошлиғи Қ.А.Шодибеков (кейинги ўринларда “Ижрочи” деб юритилади) бир томондан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти Тошкент шаҳар бошқармаси Низом асосида фаолият юритувчи, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти Тошкент шаҳар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари адлия маслаҳатчиси Н.С.Агзамходжаев (кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритилади) иккинчи томондан, биргаликда “Томонлар” деб юритилади) мазкур Шартномани куйидагилар ҳақида туздилар:

#### 1-боб. Шартнома предмети

1. Ижрочи Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Тошкент шаҳар Қўриқлаш бошқармаси саф бўлинмаси кўриқлаши кўринишида техник кўриқлаш пунктидан (кейинги ўринларда ТҚМ деб юритилади) фойдаланган ҳолда Буюртмачининг мулкани кўриқлаш хизматини кўрсатиш мажбуриятини, Буюртмачи эса мазкур Шартнома шартларига асосан ўз вақтида кўрсатилган хизмат учун тўловларни амалга ошириш мажбуриятини олади.

#### 2-боб. Умумий шартлар

2. **Буюртмачи** объектни кўриқлашга топширади ва “**Қўриқлаш**” эса ушбу вазифани куйидаги кучлар билан бажаришни ўз зиммасига олади. Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Тошкент шаҳар Қўриқлаш бошқармаси Шайхонтохур туман Қўриқлаш бўлими 3-отряд саф бўлинмаси орқали 1 та 24 соатлик (соат 09-00дан эртаси куни соат 09-00гача дам олиш кунларисиз) кўриқлаш пости билан Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани, Лабзак кўчаси 54-уйда жойлашган **Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти Тошкент шаҳар бошқармаси биносини** (кейинги ўринларда объект деб юритилади) **Ижрочига** топширади, **Ижрочи** қабул қилади.

3. Объектнинг кўриқлаш чегаралари (иморатлари, қурилмалари), постларининг (йўналишлари) жойлашуви чизма-режада кўрсатилади ва мазкур Шартномага илова қилинади ҳамда унинг ажралмас қисми ҳисобланади;

4. Объектдаги кириш-чиқиш, ички объект режими Буюртмачи томонидан тасдиқланадиган кириш-чиқиш ва ички объект режимини ташкил этиш йўриқномасига мувофиқ амалга оширилади ҳамда мазкур Шартномага илова қилиниб унинг ажралмас қисми ҳисобланади;

5. Объектни техник кўриқлаш воситалари билан жиҳозлаш ва таъмирлаш Буюртмачи томонидан амалга оширилади, техник кўриқлаш воситалари Ижрочининг айби билан ишдан чиққан ҳоллар бундан мустасно. Объектни ёнғиндан кўриқлаш ва хавф-хатар сигнализацияси билан жиҳозлаш чизмаси мазкур Шартномага илова қилинади ҳамда унинг ажралмас қисми ҳисобланади;

6. Объектни кўриқлашда Буюртмачи билан келишилган ҳолда соқчи итлардан фойдаланиш мумкин;

7. Мазкур Шартнома кучга кирган кундан бошлаб, объектда 90 иш куни ичида Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Тошкент шаҳар Қўриқлаш бошқармаси кўриқлаш тури йўлга қўйилади;

Объектда соқчилик кўриқлаш тури ва ҳарбийлаштирилган объектда соқчилик тури йўлга қўйилади;



8. Буюртмачи кўздан кечириш далолатномасида кўрсатилган талабларни бажармаганда Ижрочи қўйилмайди, қўйилган Ижрочи эса чақириб олинади;

### 3-боб. Тўловларни амалга ошириш

9. Мазкур Шартнома асосида кўрсатиладиган хизматлар нархи белгиланган тарифларга мос ҳолда қуйидагича ҳисобланади:

а) пост-соат ҳисобида қўриқлаш хизмати 2022 йил биринчи чораги учун (январь ойдан март ойининг охирига қадар) **125 936 640,00** (Бир юз йигирма беш миллион тўққиз юз ўттиз олти минг олти юз қирқ сўм) сўмни ташкил этади.

10. Ижрочи хизматлари учун тўловларга ўзгартиришлар киритиш қонун ҳужжатларига мувофиқ ушбу хизматлар турига янги тарифлар тасдиқланган ҳолларда қайта кўриб чиқилади;

11. Буюртмачи мазкур Шартнома имзоланган кундан бошлаб, кейинги ойнинг бошланишига 10 кун қолганда **ойлик тўловни 100 фоизи миқдорида** амалга оширади;

Буюртмачи бюджет ташкилоти ёки бюджет маблағлари олувчи бўлса, ойлик тўловнинг **100 фоизи** миқдорида тўловини кейинги ой бошланишидан **10** кун олдин амалга оширади;

12. Хўжалик юритувчи субъект ҳисобланган Буюртмачи мазкур Шартноманинг 11-бандида кўрсатилган ойлик тўловни ўз вақтида тўламаса, Ижрочи Буюртмачига акцептсиз тўлов талабномасини тақдим қилишга ҳақлидир;

Мазкур Шартнома бекор қилинган ҳолларда Ижрочи Буюртмачи билан тўланган тўловлар бўйича қайта ҳисоб-китобни амалга ошириши зарур.

### 4-боб. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

#### 13. Буюртмачи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Ижрочидан белгиланган қўриқлаш тартибига риоя этишини талаб қилиш; хизмат кўрсатиш жараёнида Ижрочининг ходимлари томонидан интизомни бузиш ҳолатларини тўхтатиш ва йўл қўйилган камчиликларни бартараф қилиш бўйича керакли чоралар кўрилишини Ижрочидан талаб қилиш;

Ижрочининг хизматни ташкил қилиши ва амалга оширишини, қўриқлаш турларига мос бўлган кийим-бош, кийим-бош анжомлари (экипировкаси), қурол-аслаҳаларининг мавжудлигини назорат қилиш;

Ижрочи томонидан мазкур Шартнома шартлари бузилишининг ҳар бир ҳолати бўйича Ижрочининг вакили иштирокида икки нусхада далолатнома тузиш;

Ижрочининг айби билан йўл қўйилган камчиликлар аниқланган тақдирда Ижрочидан уларни бартараф этишни талаб қилиш;

Ижрочи томонидан мазкур Шартнома талаблари бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарарни ундириш.

#### 14. Буюртмачининг мажбуриятлари:

мазкур Шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган 2021 йил “ ” декабрдаги кўздан кечириш далолатномасига асосан қўриқлашга топшириладиган объектни, алоҳида хоналарни техник мустаҳкамлаш бўйича тадбирларни бажариш, ўз ҳисобидан техник қўриқлаш воситалари (объектнинг турига қараб пост қурилмалари ва уни иситиш ускуналари, постлараро алоқа, ички ва шаҳар телефонлари, ёнғиндан қўриқлаш сигнализацияси, объект периметри бўйлаб керакли ёритиш воситалари, кулфлар, турникет, кузатиш майдончаси, шахсий текшириш хоналари, ишчи ва хизматчиларнинг шахсий буюмларини сақлаш хоналари, ёнғин ўчирувчи воситалар ва бошқалар) билан жиҳозлаш ва зарур ҳолларда уларни таъмирлаш;

ҳар қандай моддий қимматликларни объект ҳудудининг девор тўсиғидан \_\_\_ метр узоқликда (объект жойлашувини ҳисобга олган ҳолда) жойлаштириш;

Ижрочи билан биргаликда ҳар чоракда камида бир марта объектнинг техник мустаҳкамлигини, қўриқлашнинг техник воситалари билан таъминланганини, шу жумладан ёнғиндан қўриқлаш сигнализацияси ҳолатини текшириш ва аниқланган камчиликларни бартараф этиш муддатлари, Ижрочи билан





пропуск режими мавжуд бўлган объектларда кун давомида назоратдан ўтказиш пунктдан бир марталик кириш рухсатномаси билан объектга киритилган ташриф буюрувчиларнинг чиқиб кетишини таъминлаш;

объектни қўриқлаш вақтида жойдаги ёнғин хавфсизлиги қоидаларининг бажарилишини таъминлаш;

объектда ёнғин чиқиши ёки ёнғиндан қўриқлаш сигнализациясининг ишлаб кетиши ҳолатида зудлик билан ёнғин бўлимига ёки Буюртмачига хабар бериш;

объектга бегона шахсларнинг кириб кетганлиги аниқланганда зудлик билан Буюртмачининг вакилини чақириш ва объектнинг дахлсизлигини таъминлаш;

ёнғиндан қўриқлаш сигнализацияси ишлаб кетган ҳолатларда сигнализациянинг ишлаб кетиш сабабларини аниқлаш ва объектни қайта топшириш учун Буюртмачи вакилини чақиртириш, текшириш натижалари ва объектни қайта топшириш бўйича икки нусхада далолатнома тузиш;

Ижрочининг ходимлари томонидан хизматни ташкил қилиш ва амалга ошириш, қўриқлаш турларига мос бўлган кийим-бош, кийим-бош анжомлари (экипировкаси), қурол-аслаҳаларининг мавжудлигини таъминлаш;

объектни қўриқлашга қабул қилганда ва топширганда объектдаги техник мустаҳкамлик бўйича ва қўриқлашнинг техник воситалари билан боғлиқ аниқланган барча камчиликлар ҳақида Буюртмачини хабардор қилиш;

Буюртмачи билан биргаликда ҳар чоракда камида бир марта объектнинг техникавий жиҳатдан мустаҳкамлигини, қўриқлашнинг техник воситалари билан таъминланишини, жумладан ёнғиндан қўриқлаш сигнализациясини текшириш кўригини ўтказиш, Буюртмачи томонидан аниқланган камчиликларни бартараф этиш муддатлари ҳамда Ижрочини бу ҳақда хабардор қилиш муддати ва тартибини кўрсатган ҳолда томонларнинг вакиллари иштирокида икки нусхада далолатнома тузиш;

Ижрочи томонидан мазкур Шартнома талабларининг ҳар бир бузилиши бўйича Ижрочи ва Буюртмачининг вакиллари иштирокида икки нусхада далолатнома тузиш ва бир нусхасини Ижрочининг раҳбарига тегишли чоралар кўриш учун бериш;

қўриқланаётган хоналар бузилганлиги ёки мулкка етказилган зарар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Тошкент шаҳар Қўриқлаш бошқармаси Шайхонтоҳур туман Қўриқлаш бўлими навбатчилик қисмига ва Буюртмачига зудлик билан хабар бериш, Тошкент шаҳар Қўриқлаш бошқармаси Шайхонтоҳур туман Қўриқлаш бўлими вакили етиб келгунга қадар ходиса юз берган жойнинг дахлсизлигини таъминлаш.

#### 5-боб. Томонларнинг жавобгарлиги

17. Мазкур Шартноманинг 11-бандида кўрсатилган сумманинг Буюртмачи томонидан ўз вақтида тўламаганлиги учун Буюртмачи Ижрочига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорда, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

18. Ижрочининг ходими постда ва патрул йўналишларида бўлмаганида Ижрочи Буюртмачига ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорда пеня тўлайди, бироқ бунда кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоиздан ошиб кетмаслиги лозим.

19. Пеняни тўлаш Буюртмачи ва Ижрочини ўз мажбуриятларини бузиш оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

20. Ижрочи мазкур Шартномада кўрсатилган мажбуриятларини лозим даражада бажармаганлиги натижасида Буюртмачига етказилган зарар учун моддий жавобгар бўлади.

Ижрочининг айби билан зарар етказилганлиги аниқланган ҳолларда зарар тўлиқ миқдорда қопланади.

21. Ижрочининг айби билан етказилган зарарнинг миқдорини аниқлаш учун томонлар вакилларида иборат комиссия тузилиши мумкин. Бунда, зарар миқдори тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилиб, комиссия аъзолари томонидан тасдиқланади. Низо мавжуд бўлган тақдирда зарар миқдори суднинг қарори билан аниқланади.

22. Қуйидаги ҳолларда Ижрочи зарарни қопламайди:



ижрочи шартномада кўрсатилган мажбуриятларни тўлиқ бажарган бўлишига қарамасдан зарар учинчи шахсларнинг жиноий ҳаракатлари натижасида етказилган бўлса ва бу суднинг қонуний кучга кирган қарори билан тасдиқланса;  
қабул қилиш-топшириш журналида қайд этилмаган мулкка зарар етказилганда;  
буюртмачининг ходимлари томонидан ёки уларнинг айби билан зарар етказилганда.

23. Мазкур Шартномада кўрсатилган мажбуриятларни лозим даражада бажармаганлик учун белгиланган неустойка (жарима, пеня) тўлаш ҳамда зарарни қоплаш Томонларни Шартномада кўрсатилган мажбуриятларини бажаришдан озод этмайди.

#### **6- боб. Низоларни ҳал қилиш тартиби**

24. Мазкур шартномани тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш вақтида тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар, шунингдек етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги низолар қонун ҳужжатлари белгиланган тартибда иқтисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

#### **7-боб. Форс-мажор**

25. Томонлар ушбу Шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаганлиги учун, агар ушбу бажармаслик Шартнома тузилгандан кейин пайдо бўлган, энгиб бўлмайдиган куч, яъни фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (форс-мажор) оқибати ҳисобланса, жавобгарликдан озод қилинади.

26. Енгиб бўлмайдиган куч ҳолатига ҳавола қилувчи Томон бошқа Томонни бундай ҳолатлар бошланганлиги ва тамом бўлганлиги тўғрисида икки кун ичида ёзма шаклда хабардор қилиши шарт. Ушбу муддат ичида хабар бермаган Томон мазкур Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганлиги учун жавобгарликдан озод қилиш асоси сифатида кўрсатишга ҳақли эмас.

Форс-мажор ҳолатларига сув тошқинлари, ер қимирлаши ва бошқа табиий ҳалокатлар, шунингдек эпидемиялар, ёнғинлар, портлашлар, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мазкур Шартнома ижросига бевосита таъсир кўрсатган қарорлари киради.

27. Мазкур Шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати энгиб бўлмас куч ҳолатлари амал қилган даврга мутаносиб равишда кечиктирилади. Агарда форс-мажор уч ой давом этса Томонлар мазкур Шартномани бир томонлама бекор қилишга ҳақли.

#### **8-боб. Яқуний қоидалар**

28. Мазкур Шартнома имзоланган кундан бошлаб кучга киради.

Мазкур Шартнома бюджет ташкилотлари ёки бюджет маблағлари олувчилари билан тузилганда ғазначилик бўлинмаларида рўйхатдан ўтказилгандан сўнг кучга киради.

29. Мазкур Шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда тузилганда ҳамда Буюртмачи ва Ижрочининг вакиллари томонидан имзоланган тақдирда ҳақиқийдир.

Томонлар мазкур шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги таклифга иккинчи тарафдан рад жавоби олганидан кейингина ёки ўттиз кунлик муддатда жавоб олмаганидан кейин, шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги талабни судга тақдим этиши мумкин.

30. Шартноманинг амал қилиш муддати қуйидагича белгиланади:

хўжалик юритувчи субъектлар бўйича — Томонлар тарафидан имзоланган кундан бошлаб Томонлар ўз мажбуриятларини тўлиқ бажаргунигача қадар;

бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчилари бўйича — белгиланган тартибда ғазначилик бўлинмаларида рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб жорий йилнинг 31 декабрь куни охиригача.

Буюртмачи хўжалик юритувчи субъект бўлган тақдирда Буюртмачи мазкур Шартномани бекор қилиш ҳақида Ижрочига Шартнома муддати тугашидан **30 кун олдин** маълум қилмаса, мазкур Шартноманинг амал қилиш муддати худди шу муддатга ва худди шу шартларда узайтирилган ҳисобланади.

31. Агар техник қўриқлаш воситалари Буюртмачининг айби билан ишдан чиққан, капитал ёки жорий таъмирлашни талаб қилса, бироқ Буюртмачи бундан рад этса, Ижрочи Буюртмачига етти кун олдин ёзма маълум қилган ҳолда алоҳида шартномада белгиланган тартибда рад этиши мумкин.



32. Буюртмачи кетма-кет уч марта мазкур Шартноманинг 11-бандида кўрсатилган тўловни белгиланган муддатда тўламаса, Ижрочи мазкур шартномани Буюртмачини ёзма равишда огоҳлантирган ҳолда бир томонлама бекор қилишга ҳақли.

33. Ижрочи кетма-кет уч марта пост ва патрул йўналишларида кўриқлаш тартибини бузса, Буюртмачи мазкур шартномани Ижрочини ёзма равишда огоҳлантирган ҳолда бир томонлама бекор қилишга ҳақли.

34. Буюртмачи алоҳида объектларни кўриқлашни рад қилиш ёки мазкур Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш тўғрисида Ижрочиға бир ой олдин ёзма равишда маълум қилади.

35. Тарафлар ўзлари тузган хўжалик шартномасининг шартларини уларнинг шартнома тузилишидан олдин вужудга келган муносабатларига нисбатан қўлланилади деб белгилаб қўйишга ҳақлидирлар. Шартнома муддати тугаши томонларни уни бузганликлари учун жавобгарликдан озод қилмайди.

36. Объектнинг хусусиятидан келиб чиқиб Томонлар мазкур Шартномага қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳуқуқ ва мажбуриятларини назарда тутувчи қўшимча бандлар киритишлари мумкин.

37. Ушбу шартнома 2022 йил 01 январь кунидан кучга киради ва 2021 йил 23 январь кундаги 227-М-сонли шартнома ўз кучини йўқотади

### 9-боб. Томонларнинг юридик манзиллари ва реквизитлари:

#### Ижрочи

Ўзбекистон Республикаси Миллий  
гвардияси Тошкент шаҳар Қўриқлаш  
бошқармаси

**Юридик манзили:** Тошкент шаҳар  
Марказ-4 Қашқар кўчаси 3-уй

**Банк реквизитлари:**

Ҳ/р: 21 596 000 300 447 995 001

**МФО:** 00014

**СТИР:** 202 628 856

**ИФУТ:** 97920

Ўз.Р. Марказий банки Бош

Бошқармасининг ҲКМ Тошкент шаҳри

#### Буюртмачи

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси



Ўзбекистон Республикаси Миллий  
гвардияси Тошкент шаҳар Қўриқлаш  
бошқармаси бошлиғи



Қ.А.Шодибеков

Ўзбекистон Республикаси Бош  
прокуратураси ҳузуридаги иқтисодий  
жиноятларга қарши курашиш  
департаменти Тошкент шаҳар бошқармаси  
бошлигининг ўринбосари адлия  
маслаҳатчиси



Н.С.Агзамходжаев



**«ТАСДИҚЛАЙМАН»**

Ўзбекистон Республикаси Миллий  
гвардияси Тошкент шаҳар Қўриқлаш  
бошқармаси бошлиғи



**Қ.А.Шодибеков**

**«РОЗИМАН»**

Ўзбекистон Республикаси Бош  
Прокуратураси хузуридаги иктисодий  
жиноятларга қарши курашиш  
департаменти Тошкент шаҳар  
бошқармаси бошлиғининг ўринбосари  
адлия маслаҳатчиси



**Н.С.Агзамходжаев**

Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратураси хузуридаги иктисодий жиноятларга қарши курашиш  
департаменти Тошкент шаҳар бошқармаси биноси кўриқловига жалб этилган Шайхонтохур туман  
кўриқлаш бўлими 3-отряд саф бўлинмасини моддий таъминлаш учун 2022 йил 01 январдан бошлаб  
тузилган

**ҲИСОБ – ВАРАҚАСИ**

Кўриқлаш ойлари	Пост сони	Кўриқлаш вақти ва шартли белги	Бир ойлик кўриқлаш вақти	кўриқлаш пост/соат нархи	Сумма
Январь	1	24	744	58 304	43 378 176
Февраль	1	24	672	58 304	39 180 288
Март	1	24	744	58 304	43 378 176
<b>Жами</b>			2160		<b>125 936 640</b>

**ЖАМИ:**

Бир юз йигирма беш миллион тўққиз юз ўттиз олти минг олти юз қирқ сўм, 00 тийин

Тошкент шаҳар Қўриқлаш  
бошқармаси МИБ бошлиғи

**Н.Н.Рузибаев**